

ИЖОДКОР ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ: МУШТАРАКЛИК ВА ЎЗИГА ХОСЛИК (А.Қаҳҳорнинг “Сароб” ва Жек Лондоннинг “Мартин Иден” романлари мисолида)

Г.Муҳаммаджонова

Аннотация

Мақолада бадиий адабиётда ижодкор шахс образини қиёсий-типологик, аналитик ўрганилиши, ижодкор образи генезиси, ижодкор образи таснифи хусусида фикр юритилади. Жек Лондоннинг “Мартин Иден” ва Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романларидаги ижодкор шахс образи қиёсий-типологик таҳлил этилади.

Аннотация

В статье исследуется вопрос сравнительно-типологического, аналитического изучения образа творческой личности в художественной литературе, даётся сравнительно-типологический анализ классификации образа творца на примере романов «Мартин Иден» Джека Лондона и «Мираж» Абдуллы Каххара.

Annotation

The article is devoted to the comparative-typological character, analytic learning of creative person, as well as, history and classification of creative person's character. It is analyzed that creative person's character by comparative-typological way on A. Kahhor's novel “Sarob”(Mirage) and Jack London's “Martin Eden”

Таянч сўз ва иборалар: ижодкор шахс образи генезиси, тарихий ижодкор шахс, бадиий тўқима, тарихий ҳақиқат, бадиий-концептуал ёндашув, руҳият тасвири, психологик таҳлил, характер.

Ключевые слова и выражения: генезис образа творческой личности, исторически-творческая личность, художественный вымысел, историческая правда, художественно-концептуальный подход, изображение психики, психологический анализ, характер.

Key words and expressions: genesis of creative person, historical-creative character, imaginary character, historical truth, fictional- conceptual approach, image of spirituality, psychological analysis, character.

“Ижод қилиш қобилияти табиатнинг буюк эҳсонидир, санъаткор руҳидаги ижодий жараён буюк сиру асрордир” [1.237]. Мана шу ҳақиқатга кўра ёзувчи ғоявий-бадиий ниятининг ифодасида санъаткорнинг асосий қаҳрамон қилиб сайланиши асарга ўзгача хусусият бахш этади. Ижодкор шахс мураккаб табиати, руҳий – маънавий олами, борлиқни ўзгача идрок этиши кабиларда бошқалардан ажралиб туради.

“Ижод – инсоннинг чексиз коинот ичра ўз исмини, ўрнини, кадр-қимматини англашга интилиши, исёни” [2.20]дир. Бу интилиш, бу исён ўз номи билан ҳаёт ва ҳаракатлар уммонида долғали кечади. Моҳиятига кўра инсоншунослик бўлган бадиий адабиётда, оддий инсондан фарқли ўлароқ, юрагида абадий кураш паноҳ топган, ўзига хос табиати, дунёси бор ижодкор шахсни кашф этиш эса қизиқ ва характерлидир.

Ижодкор шахс образи талқини фолькор, антик адабиёт намуналари, қадимги адабий мерослардан кўра асосан ёзма адабиётда учрайди. Сабаби, фольклорнинг эпик

ва лиро-эпик тур намуналарида асосан қаҳрамонлик мавзуси тараннум этилган бўлиб, ижодкор шахслардаги индивидуаллик жиҳатлари бошқариш, ўз ортидан эргаштириш сифатларини инкор этади. Камдан кам ҳолларда З.М.Бобур фаолиятидагидек ижодкорлик ва бошқариш қобилияти мутаносиблиги кузатилади.

Ижодкор шахслар образини тарихий шахс (ижодкор) ва тўқима образ(ижодкор) тарзида таснифлаш мумкин. Тарихий ижодкор образларда тарихий ҳақиқат ва биографик маълумот масаласи ўртага тушса, бадиий тўқимада ижодкор “мен”и, бадиий-концептуал ёндашув каби жиҳатлар етакчилик қилади. Ушбу сифатлар насрий, шеърый, драматик асарларда адабий тур хусусиятларига кўра ўзига хос намоён бўлади.

Ижодкор шахс образлари тарихий ёки бадиий тўқима, асосий қаҳрамон ёки эпизодик образ эканлиги, энг асосийси, ҳаёт фалсафасини турлича идрок этиши билан фарқланса-да, яратувчанлик, курашувчанлик,

Г. Муҳаммаджонова – ФарДУ, филология фанлари номзоди.

исёнкор туйғулар, мураккаб тақдирлилик, руҳан покланиш - катарсис сари етаклаши каби жиҳатлари билан муштараклик касб этади.

Мазкур муаммони А.Қаҳҳорнинг “Сароб” ва Жек Лондоннинг “Мартин Иден” асарлари мисолида кўриб чиқиш мумкин.

“Сароб” романининг бош қаҳрамони мураккаб характерли Раҳимжон Саидийдир. Саидий образи ўзининг психологик кўпқирралилиги, индивидуал сифатлари билан XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек адабиётида тубдан янги образ саналади. Ёзувчи истеъдодли, таъсирчан, ўзини англашга интилувчи инсоннинг мураккаб руҳий дунёсини, ҳалокатини изчиллик билан очиб беради. Мазкур ўзига хослик танқидчилар томонидан кўплаб мунозарали фикрлар билдирилишига асос бўлган.

Саидий ёзувчи бўлмоқчи, жилд-жилд китоблар ёзиб, номи оғизлардан-оғизларга ўтиб, машҳур адиб даражасига кўтарилмоқчи эди. Афсуски, у бу шуҳрату амалга ўз иқтидори ва меҳнати билан эришишни ўйламайди. Саидий ўз қуввати билан «оламшумул» адиб бўлолмагач, бошқа йўл билан «шуҳрат» орттиришга киришади. «Энди куни-тун китоб ўқиш, ўрганиш керак эмас, фақат улуғларнинг кўзига тез-тез кўриниб турса кифоя. Буни эса, кўпроқ шиша осонлаштиради. Ўз ўрнида бўшатиш билан икки жуфт шиша унга йигирма жуфт китобдан ортиқроқ фойда» [3.234] -мана унинг ҳаёт фалсафаси. Воқеалар ривожига Саидий шунчаки жўн, хашаки ёзувчига айланади, ҳатто бировларнинг қалам ҳақини ўғирлаб кун кўра бошлайди.

Саидий – замон, муҳит билан келишувчи шахс. Истеъдод, чинакам санъат намуналаридан кўра баландпарвоз мақтовлар гирдобига ўзгалар ғояларини тарғиб қилувчи асарлар яратишни маъқул кўради. Яъни у хамелеон сингари ўз қиёфасини ўзгартириб, муҳитга мослашиб бораверади. Бундай қисмат ҳали ўзбек адабиётида акс этмаган фожеа эди.

Адабий танқидчилик Жек Лондоннинг “Мартин Иден” асаридаги Мартин образини ўз жамиятига сиғмаган инсон сифатида эътироф этади. Асарнинг дастлабки саҳифаларидаёқ Мартиннинг руҳий дунёси, ҳаётга қарашлари у яшаётган муҳит билан умуман зид эканлигини

гувоҳи бўламиз. Мартин ҳамиша икки қарама-қаршилиқ, бир-биридан тамоман фарқланувчи икки дунё ўртасида саноқсиз саволлар ва руҳий изтироблар оғушида яшайди. У ўзи яшаётган дунё билан севгилиси Руфнинг дунёсини қиёслайди.

Мартиннинг Руфга бўлган муҳаббати унда ҳаётга нисбатан қизиқиш, умид ва тенгсиз қудрат ҳиссини уйғотди. Руфга муносиб бўлиш илинжида у билимлар оламига кириб келди. Дастлаб кутубхонада вақт ўтказиш кейинчалик қийин асарларни тушуниш учун луғат ёдлаш билан алмашди. Луғатлар, тушунилиши қийин сўзлар моҳиятини ойдинлаштириш асосида Мартин инсон ва борлиқ моҳиятини ёритувчи илмий-фалсафий, бадиий асарларни мутолаа қилишга бошлади. Ҳар бир ўқиган китоби унинг мушоҳада ва саволлар исканжасига солиб ташлар, уларнинг маъзини чақишга интилар эди. Авваллари кучини сотиб, ўз меҳнати ортидан кун кўриб юрган Мартинда энди тафаккур кураши кучая борди. Фикрлар турфа хиллиги, жамиятдаги ҳаётнинг номувофиқ қиёфаси борган сари бош қаҳрамонни ўйлар гирдоби ташлар ва у ҳаётнинг чин моҳиятини англашга интилар эди.

Мартин ҳаётда бахтли яшашни истайди. Ҳамма нарсанинг гўзал бўлишини ва гўзал кўришни истайди. Бироқ ҳамиша ҳам орзу-ўйлар, ниятлар билан реал ҳаёт мувофиқ келавермайди. Мартин ана шу номуваносиблик ўртасида қийналар эди.

Икки хил ҳаётни кузатувчиси, яшовчиси сифатида Мартинда ёзиш истаги пайдо бўлди. “Ёзиш керак! Бу фикр унинг юрагига ўт солган эди. У қайтиб борган заҳоти ёза бошлайди” [4.218]. Бироқ Мартин ёзган асарлар, қисса, очерклар у ўйлаганчалик тез ва осон тарзда нашрга қабул қилинмади. У ҳисоблаган гонорарлар фақат Мартиннинг хом хаёллари эканлиги бир мунча фурсат ўтгач аён бўлди. Мартин англаб етган гўзаллик ва ҳаёт моҳиятини англаб етмаган жамият, ноширларнинг лоқайдлиги ва муттаҳамлиги, ўз мақсади йўлидаги собитқадамлик асар сюжет линиясидаги фожеавийлик сари етаклайди.

Мартиннинг ҳаёти тинимсиз курашдан иборат. Мартин табиатида курашувчанлик, исёнкор руҳ бор. Бу курашувчанлик ва исёнкорликни эса китоблар қатидаги билимлар ҳамда жамият номувофиқлиги берди.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Саидий қанчалар ожиз ва кўникувчан бўлса, Мартин шунчалар қатъиятли ва кучли эди. У ўз олдидаги барча қийинчиликларни мардона енгиб ўтди. Очликдан силласи қуриб йиқилиб қолганда ҳам, гаровга кийим-кечакларини қўйиб кун ўтказганида ҳам, ноширлардан келган рад мактубларидан изтиробга тушганда ҳам, опаларининг ачиниш ҳисси акс этган нигоҳлари ёҳуд поччаларининг “такасалтанг, ишёқмас” деган таъналари ҳам уни ўз мақсади йўлидан қайтара олмади.

Мартиннинг ҳаёт, жамият, давр ҳақидаги қарашлари босқичма-босқич ўзгара борди. У аввал барча хунуклик, қолоқ маданият илмсизликдан, илмсизликни бартараф этса, барчаси ҳал бўлади, гўзал ҳаёт ўз-ўзидан унга пешвоз чиқади, деб ўйлаган эди. Лекин у интилган ҳаёт, у яхши деб ўйлаган одамлар давраси у ўйлаганичалик эмас экан.

Шундай қилиб, Мартин дунёни, ўзи яшаётган даврни бошқача нигоҳ билан идрок эта бошлади. Бу идрок қилиш даври эса унинг асарларини аста-секин газета ва журналларда нашр этилиш даврига тўғри келди. Бир жиҳатдан Мартиндаги бу ҳолат машҳурлик касали ёҳуд худбинлигининг намоён бўлишига ўхшайди. Бу бир қадар худбинлик бўлса-да, асло машҳурлик касали эмас. Ижоднинг сермашаққат йўлида у кўпчиликнинг фикрига зид келувчи ҳақиқатни кашф этди: “адабий муваффақиятнинг барча эшикларини мана шу соқчи итлар, яъни иши ўнмаган адабиётчилар қўриқлайди. Муҳаррирлар, тақризчилар, умуман, қўлғезмаларни ўқийдиганларнинг ҳаммалари бир вақтлар ёзувчи бўлишни орзу қилган, аммо бўла олмаган одамлардир.... мана шу одамлар нимани чоп қилиш керагу керак эмаслигини ҳал қиладилар” [4.258].

Мартин мураккаб табиатли шахс. Унда куч-қувват, истеъдод мужассам, шунинг билан бирга худбинлик, бир оз шафқатсизлик, ўз “мени”ни устун қўйиш иллатлардан ҳам ҳоли эмас. У билимдон, бироқ бу билимдонлик

ортида бир оз кибр бор. У соф муҳаббат эгаси. У муҳаббатдаги соф туйғуларни севгилисиданда устун қўяди. Мана унинг давр ва инсонлар ҳақидаги қарашлари. Жек Лондон ўз қаҳрамонини катта ҳаёт уммонига ўзи сузиб чиқиши учун қўйиб юборди. Қаҳрамон ўз ирода кучи билан бу синовларни енгиб ўтди. Бироқ бу кураш ҳаётини мазмуни эди. Кураш йўлида мақсадига эришгач, яъни истеъдоднинг эътирофи унинг ортидан эса пул ва моддий бойликлар, шон-шухрат, ҳатто муҳаббатнинг қайтишидаги иккиюзламачилик энди Мартин учун ҳаётни рангсиз қилиб қўйди. Унда лоқайдлик, ҳаётдан норозилик, тушкунлик устунлик қилди. У зўр бериб интилгани – асли “сароб” эканлиги аён бўлди. Унинг ҳаёлида яралган дунё у дуч келган дунё билан мувофиқ келмади ва фожеа юз берди.

“Ҳаётда, адабиётда ... бизни олдинга ҳаракат қилишга ундайдиган нарса нима? Конфликт!” [5.156]. Мартинни интилишга ундаган нарса жамиятдаги илмсизлик, қолоқ турмуш тарзи билан конфликт эди, у бунини енгиб ўтди. Аммо азалий муаммо қаршисида... уни енгиб ўтгандан воз кечишни афзал билди. У ўзи яшаётган жамиятни инкор қилди. “Шахс ирода йўналишини кўрсатувчи нарса характерни белгилайди” [6.41]. Мартин характеридаги айричалик фожеавий қисматни юзага келтирди.

Асарда қаршилантериш усули устуворлик қилади. Унда қаҳрамоннинг ички олами, руҳий дунёси психологик таҳлиллар асосида теран ёритиб берилган. Монологлар, ички монологлар, характерлар ривожиди Мартиннинг тўлақонли тасвири намоён бўлади.

Муайян тарихий ҳақиқат асосига қурилган ҳар икки тўқима образ ўртасида маълум даражада муштараклик бўлгани билан ўзига хос жиҳатлар талайгина. Ушбу хос жиҳатлар қиёси қуйидаги жадвалда намоён бўлади:

Раҳимжон Саидий	Мартин Иден
Ижодкор	Ўта иқтидорли ижодкор
Ўзи яшаган муҳит билан келиша оладиган	Жамият мунофиқликлари билан мутлақо келиша олмайди
Мақсади йўлидаги курашда ожиз	Курашувчан, мақсади йўлида собитқадам
Сабр-тоқат етишмайди, мослашувчан	Сабрли, тоқатли, мослашиш унга ёт
Мустақил фикрига эга эмас, тез-тез ўзгарувчан	Мустақил фикрли, аҳдида қатъий
Худбин, ўз “мени” худбинлиги қурбони	Жамият қурбони, ўз даврига сиғмаган шахс

Серҳимматлик, саҳийликдан йироқ	Оқибатли ва серҳиммат
Муҳаббатда ҳою ҳавас устун	Муҳаббат борасидаги идеали реаллик билан тўғри келмади
Ижод оламидаги сохталик, андозабозлик,	Ижод оламидаги ноҳолислик, тўсқинлик ва маънавий қашшоқлик
Ижодининг эътироф этилиши қийин кечди	Ижодининг эътироф этилиши қийин кечди
Атрофидагиларнинг қўллаб-қувватлаши асосида ўзгарди	Атрофидаги инсонларни ўрганишга ҳаракат қилди
Тақдири фожеали	Тақдири фожеали

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бадиий адабиётда ижодкор шахс образи генезиси асосан, ўрта асрлар ёзма адабиёт намуналарига бориб тақалади.

Бадиий адабиётда ижодкор шахс образини тарихий шахс(ижодкор) ва тўқима образ (ижодкор) тарзида таснифий ўрганиш мумкин.

Асардаги ижодкор образи инсон руҳий-маънавий оламини теран ифодалашга ва кашф этишга имкон беради. Ижодкор табиатидаги индивидуал сифатлар асар композицияси, сюжети ва ечимига ўзига хослик бағишлайди.

Адабиётлар:

1. Белинский В. Адабий орзулар. – Т. : F.Фулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.
2. Эшонкул Н. Мендан “мен”гача. – Т. : Академнашр, 2014.
3. Қаҳҳор А. Сароб. – Т. : Шарқ, 1995.
4. Лондон Жек. Мартин Иден. – Т. : Ўзбекистон, 1984.
5. Бехер И. Любовь моя, поэзия. – М.: Художественная литература, 1965.
6. Арасту. Поэтика. – Т. : Янги аср авлоди, 2012.

(Тақризчи: А.Қосимов, филология фанлари доктори).